



**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ
АНДИЖАНСКИЙ ОБЛАСТНОЙ КЕНГАШ НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ**

ҚАРОР - РЕШЕНИЕ

Андижон шаҳри

2018 йил 17 август

№138/35-5

**Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши ҳузурида
ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси раиси
А.Абдуллаевнинг ҳисоботи ҳақида**

Андижон вилоятида ижтимоий, социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек уларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг “Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси тўғрисида” 2015 йил 29 июнда 15-4-5-сонли қарор қабул қилинган, 2016 йил 20 сентябрдаги 69/15-5-сонли қарор билан комиссия таркиби ўзгартирилган.

Ўтган вақт давомида комиссиянинг айрим аъзолари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган ва ўрнига янги раҳбарлар тайинланган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда комиссия ўз ваколати доирасида белгиланган вазифаларни бажариши самарадорлигини ошириш мақсадида комиссия таркибини ўзгартириш юзасидан комиссия аъзоларининг таклифлари келиб тушган.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси раиси А.Абдуллаевнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин(илова қилинади). Мазкур комиссия таркибига ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар маъқуллансин.

2. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши ҳузурида Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси қуйидаги янги таркибда тасдиқлансин:

Комиссия раиси:

Абдуллаев Абдурауф - Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати, Андижон Машинасозлик институти профессори

Комиссия раисининг ўринбосари:

Мамадалиев Равшан – Вилоят ҳокимининг жамоат ва диний Турғунович ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари

Комиссия масъул котиби:

Атаханов Фарҳодбек - ЎЗННТМА вилоят ҳудудий бўлинмаси Абдумажидович координатори

Комиссия аъзолари:

Маматкулов – Олий Мажлис Сенати аъзоси, Халқ депутатлари Шукуржон Андижон вилоят Кенгаши Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси

Юлдашева Тожибар - Олий Мажлис Сенати аъзоси, Хўжаобод Ўктамовна туманидаги Шахрихонсой маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Рахмонова Мухаррам – Халқ депутатлари Андижон вилоят Исмоиловна Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари доимий комиссияси раиси

Юлдашев – Халқ депутатлари Андижон вилоят Махаммаджон Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва Иминжонович фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси раиси

Нурматов - Халқ депутатлари Андижон вилоят Абдулхамид Кенгашининг Ижтимоий-маданий Абдухалумович ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси

- Комилова Зухра - Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.
Абдуллаевна Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси шошилинич
тиббий ёрдам бўлими врач терапевти
- Очилов Алижон - Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи
Мухлисович
- Хайдаров Бахромжон - Вилоят молия бошқармаси бошлиғи
- Юсупов Нодирбек - Ўзбекистон Ёшлари иттифоқи Андижон вилоят
Комилович Кенгаши раиси
- Абдуллаев Улуғбек - «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон
Анварович вилояти бўлими бошқаруви раиси
- Ахмедов Усмонжон - Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят
Абдусаматович Кенгаши бўлим мудири
- Юсупов Наврўзбек - Ўзбекистон Экологик ҳаракати Андижон
Муқимжонович ҳудудий бўлинмаси раҳбари
- Кучкарова Хуршида - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон
Вахобовна вилоят бўлими раҳбари
- Мирзарахимова - Андижон вилояти «Меҳримиз сизга» аёллар ва
Халидахон уларнинг оилаларини ижтимоий, ҳуқуқий
Телмановна қўллаб-қувватлаш маркази директори

3. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Изоҳ: Ушбу таркибдаги масъул шахс бошқа ишга ўтган тақдирда шу лавозимга тайинланган шахс комиссия аъзоси ҳисобланади.

**Халқ депутатлари Андижон
вилоят Кенгашининг раиси**

 Ш.Абдурахманов